

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АДИЛХОДЖАЕВА ЗИЛОЛА ХАЙДАРОВНА

**ОҒИЗ БЎШЛИҒИ ШИЛЛИҚ ҚАВАТИНИ ШИКАСТЛАНИШИ БИЛАН
КЕЧУВЧИ ГРИНШПАН-ПОТЕКАЕВ СИНДРОМИНИ ДАВОЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.21 – Стоматология
14.00.11 – Дерматология ва венерология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Адилходжаева Зилола Хайдаровна

Оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг шикастланиши
билан кечувчи Гриншпан-Потекаев синдромини
даволашни такомиллаштириш..... 3

Адилходжаева Зилола Хайдаровна

Оптимизация лечения синдрома
Гриншпана-Потекаева с поражением
слизистой оболочки полости рта..... 24

Adilkhodjaeva Zilola Khaydarovna

Optimization of the treatment of
Grinshpan-Potekaev's syndrome
with oral mucosa lesion..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of pulished works 49

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АДИЛХОДЖАЕВА ЗИЛОЛА ХАЙДАРОВНА

**ОҒИЗ БЎШЛИҒИ ШИЛЛИҚ ҚАВАТИНИ ШИКАСТЛАНИШИ БИЛАН
КЕЧУВЧИ ГРИНШПАН-ПОТЕКАЕВ СИНДРОМИНИ ДАВОЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.21 – Стоматология
14.00.11-Дерматология ва венерология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД – 2021

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Tib762 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгаш веб-сайтида (www.sammi.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Ризаев Жасур Алимджанович,
тиббиёт фанлари доктори, профессор
Азизов Баходир Садикович,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Тищенко Андрей Леонидович
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Зойиров Тулкин Элназарович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

**Украина давлат олий таълим муассаси
«Украина тиббиёт стоматология академияси»
(Украина)**

Диссертация химояси Самарқанд давлат тиббиёт институтидаги ҳузуридаги DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси 18 уй. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс: 66233775 (366); e-mail: sammi@sammi.uz)

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт институтининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси 18. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс: 66233775 (366)).

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ тарқатилди.

(2021 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ғ.У. Лутфуллаев

Илмий даражалар берувчи бир маротабалик илмий кенгаш раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Ғ.У.Самиева

Илмий даражалар берувчи бир маротабалик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Қ.Э. Шомуродов

Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш қошидаги бир маротабалик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати Маълумки, эрозив-яралли қизил ясси темирлаткининг қандли диабет ва хафақон билан бирга учрайдиган шакли (Гриншпан-Потекаев синдроми) малигнизация натижасида оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг ясси тўқимали саратонига айланиши мумкин, бу организмнинг турли жойларида учрайдиган хавфли ўсмалар орасида пайдо бўлиш даражаси бўйича дунёда олтинчи ўринда туради. «...Гриншпан-Потекаев синдроми ташхислаш содда бўлиб кўринишига қарамай, фақат клиник текширувга асосланган шиллиқ қават касалликлари шаклини аниқлаш кўпинча ташхислашдаги хатоликларга олиб келади...»¹. Оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг эрозив-яралли ҚЯТ шакллариининг, айниқса адабиётда Гриншпан-Потекаев синдроми деб номланувчи қандли диабет ва хафақон каби тизимли касалликлар билан бирга учраши улуши жуда катта. Шу муносабат билан Гриншпан-Потекаев синдроми ривожланиш хавф омилларини баҳолаш, самарали ташхислаш ва уни даволашни такомиллаштириш стоматологиянинг мукамал вазифаси ҳисобланади. Бугунги кунда қизил ясси темирлатки уни аниқлашнинг доимий даражаси, ягона патогенетик концепциянинг йўқлиги, шунингдек, оғир кечадиган шакллариининг мавжудлиги, сурункали кечиши, тез-тез қайталаниши ва ўтказилаётган муолажаларга чидамлилиги билан боғлиқ долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватини шикастланиши билан кечувчи Гриншпан-Потекаев синдроми даволашни такомиллаштириш, жумладан, оғиз бўшлиғи шиллиқ пардасида Гриншпан-Потекаев синдроми бўлган беморлар оғиз бўшлиғи, ҚЯТнинг эрозив-яралли шакли ўчоқларида қандли диабет ва хафақон билан бирга учрайдиган оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг микробиологик, патоморфологик, эрозив-яралли ҳосилаларнинг патологик ўчоқларида аутофлуоресцент стоматоскопияни ҳамда комплекс патогенетик даволашни ишлаб чиқиш ҳамда соғломлаштирувчи чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва олдини олишга қаратилган даволаш тизимини яратиш, самарали даво амалиётини танлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, турли касалликлар натижасида юзага келадиган оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватини касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг олдини олиш...»² каби вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда, жумладан оғиз бўшлиғи

1

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

шиллик қаватини шикастланиши билан кечувчи Гриншпан-Потекаев синдромини ташхислаш ва самарали усуллари қўллаш орқали даволашни такомиллаштириш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қизил ясси темиртки (ҚЯТ) терининг полиэтиологик, сурункали, яллиғланишли касалликлари тоифасига киради, бунда патологик жараён билан шиллик қаватлар ва тирноқлар камраб олиниши мумкин (А.А. Кубанова, 2009; Ю.С.Бутов, 2010; Превост НМ, 2009; Young Sik Kim, 2009). Бугунги кунда дерматозлар тузилишида қизил ясси темиртки билан касалланиш тери касалликларининг умумий тузилишида 2,5% гача, оғиз бўшлиғи шиллик қавати касалликлари орасида - 35,0% ни ташкил қилади. Сўнги ўн йилликларда ушбу касалликка чалинган беморлар сони икки бараварга кўпайди. Оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг зарарланиши билан ҚЯТнинг изоляцияланган шакллари ташхислаш даражаси шиллик қават барча патологияларининг 60 дан 80% гачани ташкил қилади (А.А. Кубанова, 2005; А.Г. Пашинян, 2011; Carvalho С.Н., 2011). Бугунги кунда қизил ясси темиртки уни аниқлашнинг доимий даражаси, ягона патогенетик концепциясининг йўқлиги, шунингдек оғир кечадиган шакллари, сурункали кечиши, тез-тез қайталаниши, муолажаларга чидамлилиги билан боғлиқ долзарб муаммо бўлиб қолмоқда (Aksamit, 2015; Gorouhi F., 2014). Гриншпан-Потекаев синдромини ташхислашда оғиз бўшлиғи микробиоценозининг микробиологик тавсифи, оғиз бўшлиғининг шиллик қавати патоморфологик манзараси кам ўрганилган масала ҳисобланади. Шунингдек, синдромни ташхислашда аутофлуоресцент стоматоскопия ушбу синдромга хос бўлган эрозив-яралли ҳосилаларнинг патологик ўчоқларини кўринарли қилиш учун муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг турли касалликларни самарали ташхислаш ва даволаш борасида қатор ишлар бажарилган (Х.П.Камилов, 2018; 2020; О.Е.Бекжанова, 2019, 2021; Д.Алимова, 2018, 2021), бироқ, оғиз бўшлиғи шиллик қаватини шикастланиши билан кечувчи Гриншпан-Потекаев синдромини даволашни такомиллаштирилмаган.

Гриншпан-Потекаев синдромининг клиник хусусиятларини ўрганиш бўйича адабиёт манбалари етарли эмас, уни патогенетик даволаш масалалари кам ўрганилган. Ташҳислашнинг замонавий асослари, эрозив-яралли жараёнларга терапевтик таъсир қилиш усуллари ва патогенетик жиҳатдан асосланган даволаш схемалари ишлаб чиқилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг илмий ишлари режасига мувофиқ №011400199 «Тишлар, пародонт ва оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаси профилактикаси, ташҳисланиши ва даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш» (2017–2018) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади оғиз бўшлиғи шиллиқ пардасини зарарлаган қизил ясси темираткида Гриншпан-Потекаев синдромини даволашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оғиз бўшлиғи шиллиқ пардасида Гриншпан-Потекаев синдроми бўлган беморлар оғиз бўшлиғининг гигиеник ҳолатини баҳолаш;

ҚЯТ нинг эрозив-яралли шакли ўчоқларидан қандли диабет ва хафакон билан бирга учрайдиган оғиз бўшлиғи шилиқ қаватининг микробиологик ўзгаришларни баҳолаш;

Гриншпан-Потекаев синдроми бўлган беморларда оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг патоморфологик ўзгаришлар таҳлилини ўтказиш;

Гриншпан-Потекаев синдромига хос бўлган эрозив-яралли ҳосилаларнинг патологик ўчоқларини кўринарли қилиш учун аутофлуоресцент стоматоскопияни ўтказиш;

оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватида Гриншпан-Потекаев синдромини комплекс патогенетик даволашни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент давлат стоматология институти ва Республика тери-таносил клиник касалхонасининг терапевтик стоматология бўлинмасига мурожаат қилган 25 ёшдан 70 ёшгача бўлган 133 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети микробиологик тадқиқотлар учун оғиз суякклиги, патоморфологик тадқиқотлар учун зарарланган юзадан қирма олиш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари Тадқиқотда клиник, люминесцент (аутофлуоресцент стоматоскопия), микробиологик, патоморфологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати кўк нур билан ёритилганда қайтаётган нурланиш рангининг узгаришига асосланиб хужайра атипизмига баҳо бериш йули орқали қизил ясси темиратки онкологик эхтиёткорлик аҳамияти асосланган;

оғиз бўшлиғи шиллик қаватини шикастланиши билан кечувчи Гриншпан-Потекаев синдромини патологик жараёнларни аутофлуоресценция йули орқали башоратлаш ва патогентик даволаш асосланган;

илк марта Гриншпан-Потекаев синдромига чалинган беморлар қонини лазер нурлантиришдан иборат умумий патогенетик даволаш усули «Lazmik-VLOK» аппарати ёрдамида қонга фотобиологик таъсир ўтказишнинг ноёб ноинвазив усули исботланган;

илк бор оғиз бўшлиғи шиллик қавати юзасига дори малхамларини бирикиш хусусиятини купайтирувчи дори воситаларини қўллаб, маҳаллий яллиғланишга қарши жараёнларини фаоллаштирилиб, Гриншпан-Потекаев синдромини мажмуавий даволашнинг юқори самарадорлиги клиник-лаборатор текширувлар кетма-кетлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

микробиологик 83% да *Candida albicans* кузатилиб, ситологик - ОБШҚ эпителиида дискариозли хужайралар гуруҳлари ва лимфолейкоцитар хужайралардан кўплаб инфилтратлар кузатилган;

аутофлуоресцент стоматоскопия тадқиқотларидан соғлом шиллик қаватнинг ёрқин яшил флуоресценц фониди четлари нотекис бўлган қорамтир доғлар шаклида кўриниши Гриншпан-Потекаев синдромига чалинган беморларни комплекс ташхислаш схемаси ишлаб чиқилган;

кремнийли минераллар ва микроэлементлар комплексининг органик эритмасидан иборат шиллик қаватлар ва терини даволаш воситаси бўлган маҳаллий «Fatiderm-plus» дори воситаси самарадорлиги баҳоланган;

Гриншпан-Потекаев синдромига чалинган беморларни маҳаллий даволаш схемаси ишлаб чиқилган ва жорий этилиб, ОБШҚ қайта тикланишини фаоллаштириш ва яллиғланишга қарши таъсир кўрсатиши ҳамда оғиз бўшлиғида шартли-патоген микроорганизмларнинг кўпайишини тўхтатган;

Lazmik-VLOK аппаратида бош лазерли нурлантириш каллаклари ёрдамида қонга фотобиологик таъсир қилишнинг ноёб ноинвазив усули бўлган қонни лазерли нурлантиришдан фойдаланган ҳолда Гриншпан-Потекаев синдромига чалинган беморларни умумий даволаш схемаси (терапевт, эндокринологнинг маслаҳати ва даволанишидан сўнг) ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, люминесцент (аутофлуоресцент стоматоскопия), микробиологик, патоморфологик ва статистик тадқиқот усулларида оғиз бўшлиғи шиллик қаватини шикастланиши билан кечувчи Гриншпан-Потекаев синдромини даволашни такомиллаштириш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган. асосланади

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти Гриншпан-Потекаев синдромини ташхислашнинг замонавий усуллари қандли диабет ва хафакон билан бирга

учрайдиган эрозив-яралли ҚЯТ шакли-аутофлуоресцент стоматоскопия, цитологик ва микробиологик тадқиқотларнинг назарий асосларини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади;

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Гриншпан-Потекаев синдромини комплекс патогенетик даволаш схемасини ишлаб чиқиш, даволаш самарадорлигини ошириш, қайталаниш даражасини пасайтириш ва қандли диабет ва хафакон билан бирга учраганда ҚЯТнинг эрозив-яралли шаклига чалинган беморларда ремиссия муддатини узайтириш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Оғиз бўшлиғи шиллик қаватини шикастланиши билан кечувчи Гриншпан-Потекаев синдромини даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Гриншпан-Потекаев синдромини даволаш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Гриншпан-Потекаев синдромини даволашни мақбуллаштириш» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 24 ноябрдаги 8н-д/190-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга қўлланилиши натижасида оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг Гриншпан-Потекаев синдромини даволашни мақбуллаштириш асослаш ва беморлар ҳаёт сифати даражасини ошириш ва саломатлик ҳолатини тиклаш имконини берган;

Гриншпан-Потекаев синдромини ташхислаш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Гриншпан-Потекаев синдромини ташхислаш мезонлари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 24 ноябрдаги 8н-д/190-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга қўлланилиши натижасида Гриншпан-Потекаев синдромини клиник, микробиологик ва патоморфологик мезонларга асослашга имкон берган;

оғиз бўшлиғи шиллик қаватини шикастланиши билан кечувчи Гриншпан-Потекаев синдромини даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент давлат стоматология институти шифохонаси ҳамда 4-сонли стоматологик оилавий шифохонасининг клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 27 майдаги 08.04/4267-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши асосий гуруҳда ремиссия давомийлиги 95,83% ҳолатда $4,5 \pm 0,09$ ойни ва 6 ойлик даволанишдан кейин 4,16 ойни, қандли диабет ва хафакон билан бирга учрайдиган ҚЯТнинг эрозив-яралли шакли касалликнинг типик шаклига айланган, дастлабки кўрсаткич билан таққослаганда, асосий гуруҳдаги беморларда ремиссия 1,98 мартага, таққослаш гуруҳидаги беморларда эса ремиссия дастлабки даражадан 1,25 марта узайганлигининг имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Гриншпан-Потекаев синдромини ташхислаш ва даволашнинг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида адабиёт маълумотларини батафсил таҳлил қилиш натижалари келтирилган. Стоматология соҳасидаги маҳаллий ва жаҳон тадқиқотчиларининг илмий ютуқлари таҳлил қилинган. Гриншпан-Потекаев синдромига чалинган беморларнинг клиник ва лаборатория маълумотларини ўрганиш асосида адабиётлар шарҳи замонавий ташхислаш, даволаш усуллари ва қизил ясси темирраткининг ривожланиш муаммоларига бағишланган.

Диссертациясининг **«Гриншпан-Потекаев синдромини ташхислаш ва даволаш материали ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида клиник, люминесцент, микробиологик ва патоморфологик тадқиқот усуллари, шунингдек Гриншпан-Потекаев синдромига чалинган беморларни даволаш усуллари батафсил баён этилган.

2017 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда Тошкент давлат стоматология институти терапевтик стоматология бўлинимасида ва Республика тери-таносил клиник касалхонасида оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг қизил ясси темирраткисидан даволанган 133 нафар бемор тадқиқот объекти бўлди. Барча беморларнинг 72 нафарида ҚЯТ нинг анъанавий шакли, 3 нафар беморда гиперкератотик шакли, 3 нафар беморда экссудатив-гиперемик шакли, 7 нафар беморда буллез шакли қайд этилди, оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати ҚЯТ нинг эрозив-яралли шаклига эга 48 нафар беморда адабиётда Гриншпан-Потекаев синдроми деб аталадиган, қандли диабет ва хафакон аломатларини ўз ичига олган аломатлар мажмуи қайд этилди. Ушбу беморларда ОБШҚ ҚЯТ нинг клиник кечиши тўлиқ қондаги шакар даражасига ва артериал гипертензия оғирлигига боғлиқ бўлди.

Гриншпан-Потекаев синдромига чалинган 48 нафар беморнинг 24 нафари асосий гуруҳга, 24 нафар бемор эса таққослаш гуруҳига киритилди.

Асосий тадқиқот гуруҳини 87,48% аёл ($n = 21$) ва 12,5% эркеклар ($n = 3$) ташкил этди, аёлларда ҚЯТ билан касалланишнинг энг юқори фоизи 51 ёшдан 60 ёшгача бўлган даврга, бирмунча кам 41 ёшдан 50 ёшгача бўлган даврга, энг кам фоиз 40 ёшгача бўлган беморларга тўғри келди. Эркекларда ҚЯТ ёшлик даврида қайд этилади. Ёш ва жинс таркибидаги тегишли кўриниш таққослаш гуруҳида кузатилади, аёллар - 83,33% ($n = 20$) ва эркеклар - 16,67% ($n = 4$).

Тадқиқот усуллари: ОБШҚ ни клиник текшириш (GI ОНІ-S ни аниқлаш, оғиз ичи камераси, кариес жадаллигини аниқлаш); оғиз бўшлиғи шиллик қаватини кўриш учун люминесцент (аутофлуоресцент) стоматоскопия; тил қараши, лунжлар шиллик қаватини ва оғиз бўшлиғининг бошқа жойларидан олинган қирмани микробиологик текшириш ва дисбактериоз, кандидозни махсус муҳитда аниқлаш; ҚЯТ га чалинган беморларнинг оғиз бўшлиғи шиллик қавати биоптатларини патоморфологик текшириш; бошқа йўналишдаги шифокор-стоматолог (терапевт, эндокринолог)ларнинг маслаҳатлари; статистик тадқиқот усуллари.

Гриншпан-Потекаев синдромига чалинган асосий гуруҳдаги 24 нафар беморни маҳаллий даволаш эрозив-яралли ўчоққа антисептик билан ишлов бериш, анестезик ва ферментларни аппликация қилишдан иборат бўлиб, ундан сўнг 0,05% фаоллаштирилган кремнийли эритмаси пуркагичидан (“Fatiderm-plus” тониги)) аппликациялар буюрилди, у юқори ёпишқоқликка эга ва ОБШҚ нинг эрозив-яралли юзасига суртилади. Таркибий қисм - фаоллаштирилган кремнийли эритмалар ва элементларнинг РЕЕ си ОБШҚ да шартли патоген микроорганизмларнинг кўпайишини тўхтатишга ёрдам беради (Мавлянова Ш.З., 2019). Маҳаллий “Fatiderm-plus” препарати тери хужайралари ва шиллик қаватларининг қайта тикланиш жараёнларини фаоллаштиради, ёшартирувчи ва яллиғланишга қарши таъсир кўрсатади, шартли патоген микроорганизмларнинг кўпайишига тўсқинлик қилади (*Stafilococcus spp.*, *Ye. Coli*, *candida spp.*), тери ва оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг табиий Ph ни тиклайди.

24 нафар беморни таққослаш гуруҳида маҳаллий даволаш антисептик билан ишлов беришдан, аппликация билан оғриқсизлантириш ва ферментатив ишлов беришдан иборат бўлиб, ундан кейин фақат Холисал гел аппликацияси буюрилган. Терапевтик даволаш самарадорлигини аниқлаш учун А.К Malhotra (2008) томонидан тавсия этилган клиник тизимдан фойдаланилган. Кўрсаткичлар беморларнинг умумий сони бўйича ўртача кўрсатилган.

1 ва 2 гуруҳдаги беморларга нисбатан комплекс муолажа сифатида тавсия этилган даволаш схемасидан фойдаланилган.

Маҳаллий - оғиз бўшлиғини санациялаш, оғиз бўшлиғи гигиенаси, кариес ва унинг асоратларини даволаш, тишларнинг ўткир қирраларини ўзаро силликлаш, сунъий қопламалар нуқсонларни бартараф этиш, пародонт касаллигини даволаш.

Умумий даволаш қуйидагиларни ўз ичига олди: терапевт, эндокринолог маслаҳати ва даволаши; 200,0 физиологик эритмага 30% натрий тиосульфат 10,0 дан в/и томчилатиб кунора № 8; плаквенил -200 0,2 г - кунига 2 маҳал 4 ҳафта давомида; пимофуцин - кунига 3 маҳал 1 таблеткадан 20 кун давомида;

триавит - овқатдан кейин кунига 1 донадан капсулалар 60 кун давомида ичилади; урсосан 250 - тунда, 1 капсуладан 1 маҳал 1,5 ой ичилади.

Умумий даволаш билан бир қаторда, 1 ва 2-гуруҳдаги барча беморларга бош лазерли нурлантирувчи каллақлар ёрдамида “Lazmik-VLOK” аппарати ёрдамида қонни лазерли нурлантириш ўтказилди.

Диссертациянинг **“Гриншпан-Потекаев синдромини клиник, люминесцент, микробиологик ва патоморфологик тадқиқотлар материаллари натижалари”** деб номланган учинчи бобида ўтказилган клиник, люминесцент, микробиологик ва цитологик тадқиқотлар натижалари тавсифланган.

Тиш шифокорига мурожаат қилган 133 нафар беморларнинг умумий сонидан 72 нафари анъанавий ҚЯТ, 3 нафари гиперкератотик, 3 нафари экссудатив-гиперемик, 7 нафари буллезли, 48 нафар бемор иккита аломат: қандли диабет ва хафақон касаллиги билан бирга учрайдиган ҚЯТ нинг эрозив-яралли шаклига чалинганлиги аниқланди. Қандли диабет ва хафақон билан боғлиқ бўлган ҚЯТ нинг эрозив-яралли шаклининг клиник кўриниши Гриншпан - Потекаевнинг симптоматик комплекси сифатида ташхисланди, бу оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касаллигига чалинганлар сонининг 36,09 фоизини ташкил қилади. Тадқиқот давомида биз ОБШҚ ҚЯТ 5 та клиник шаклини кузатдик: типик шакли 54,13%, экссудатив-гиперемик шакли 2,25%, эрозив-яралли шакли 36,09%, гиперкератотик шакли 2,25%, буллез шакли 5,26% ни ташкил этди.

Гриншпан-Потекаев синдромига чалинган беморларнинг шикояти, мос равишда асосий гуруҳда ва таққослаш гуруҳида тортишиб қолганлик ҳисси (29,17% ва 25%), ноқулайлик (8,33% ва 12,5%), оғриқ (20,83% ва 25%), ачишиш (25% ва 16,67%), қуруқлик (12,5% ва 12,5%), баъзида - сезгирликни йўқолиши (4,16% ва 8,33%)дан иборат бўлди. Сўров давомида касаллик қачон бошлангани, зўриқиш даражаси, ўтказилган даволаш тавсифи, ремиссия давомийлиги аниқланди. ОБШҚ зарарланиб ҚЯТ га чалинган беморлар ўрганилганда қоникарсиз гигиеник кўрсаткич 93,3% да, ОБШҚ зарарланмаган беморлар орасида 78,0% да учради. Комплекс-пародонтал индексни ўрганишда беморларнинг 50 фоизида пародонт зарарланишининг ўртача даражаси аниқланди, бир вақтнинг ўзида, ОБШҚ зарарланмай ҚЯТ чалинган беморларнинг фақат 36,5 фоизида пародонт зарарланиши хавфи мавжуд эди. Оғиз шиллиқ қаватининг Гриншпан-Потекаев синдромига чалинган беморларда оғиз бўшлиғи гигиенасининг ёмонлашуви кузатилади. Барча беморларда ОНІ-S индексининг кўрсаткичлари асосий ва назорат гуруҳларида мос равишда $2,25 \pm 0,10$ ва $0,85 \pm 0,04$ * ($p < 0,01$). Оғиз бўшлиғи гигиенасининг паст даражаси ОБШҚ яллиғланиш-деструктив зарарланишини кучайтиради ва маҳаллий иммунитетни пасайтиради, шу билан оғиз бўшлиғида ҚЯТ клиник кечишини оғирлаштиради.

Гриншпан-Потекаев синдромига чалинган беморларнинг шикоятлари

Шикоятлар	Асосий гуруҳ n=24		Таққослаш гуруҳи n=24		χ^2 Пирсон	P	Жами ҚЯТ беморлар n=48	
	абс	M±m,%	абс	M±m,%			абс	M±m,%
Тортишиб колганлик	7	29,17±9,28	6	25,00±8,84	0,105	0,745	13	27,08±6,41
Ноқулайлик	2	8,33±5,64	3	12,50±6,75	0,223	1,000	5	10,42±4,41
Оғриқ	5	20,83±8,29	6	25,00±8,84	0,118	0,731	11	22,92±6,07
Ачишиш	6	25,00±8,84	4	16,67±7,61	0,505	0,477	10	20,83±5,86
Қуруқлик	3	12,50±6,75	3	12,50±6,75	0,000	1,000	6	12,50±4,77
Сезувчанликнинг йўқолиши	1	4,17±4,08	2	8,33±5,64	0,356	1,000	3	6,25±3,49
Касаллик давомийлиги, йил	1,50±0,10		1,50±0,10		P>0,05		1,50±0,07	
1 йилда, ойда касаллик қайталаниш даражаси	4,92±0,31		4,92±0,23		P>0,05		4,92±0,19	
Ремиссия давомийлиги, ой	2,46±0,12		2,46±0,13		P>0,05		2,46±0,09	

Бундан ташқари, 51,5% (n=24) беморда Гриншпан-Потекаев синдромининг тери аломатлари билан биргаликда келиши кузатилган. Шунинг таъкидлаш керакки, 66,6% (n=32) беморларда тиш караши индекси (гигиена даражаси) ёмон бўлиб чиқди, қоникарсиз гигиена даражаси Гриншпан-Потекаев синдромига чалинган атиги 33,3% (n=16) беморда қайд этилди.

2-жадвал

ОБШҚ ҚЯТ ОНІ-S гиgienик индексининг кўрсаткичлари

Жами беморлар n=133	ҚЯТ клиник шакллари					Назорат гуруҳи n=20
	Тури n=72	Гиперкер. n=3	Экс-гипер. n=3	Буллезли n=7	Эр-ярали n=48	
2,04±0,05*	1,85±0,06*	2,11±0,09*	2,12±0,04*	2,52±0,15*	2,25±0,10*	0,85±0,04

Изоҳ: * - назорат гуруҳига нисбатан фарқлар аҳамияти қайд этилди (* - P<0,001; ** - P<0,01; *** - P<0,05).

ОБШҚ зарарланган ҳолда ҚЯТ чалинган беморларда кариес жараёнининг тарқалиши ҚЯТ чалинган 133 нафар беморнинг 36.09% ни ташкил этди (n=48). Беморлар назорат гуруҳидаги кариес жараёнининг жадаллиги ўртача 6 дан 12 гача. Бу беморларда мавжуд бўлган 32 та тишдан 6 тадан кўпроғи кариес билан зарарланганини англатади, бу ЖССТ мезонларига кўра тишларнинг кариес билан зарарланиш жадаллигини учинчи даражасига тўғри келади (КПУ нинг ўрта ва юқори даражаси). Гриншпан-Потекаев синдромига чалинган беморларда кариес жадаллиги юқори бўлиб, ўртача 7 дан 22 гача бўлган.

Масалан, КПУ типик шаклида ва гиперкератотик шаклида ҚЯТ $15 \pm 0,2$ дан иборат бўлди; типик шакл учун, унинг таркибий қисми бўлган “К” $5 \pm 1,1$ га ($p < 0,05$), “П” - $5 \pm 1,3$ мос келди, “У” - суғуриб олинган тишларнинг сони $5 \pm 2,4$ ташкил этди ($p < 0,01$); КПУ $15 \pm 1,6$ таркибий қисмларидан фарқли ўлароқ, гиперкератотик шаклда “К” қиймати - $4 \pm 0,2$ ($p < 0,05$) ва “П” қиймати - $4 \pm 1,5$, “У” индекси - $7 \pm 1,3$ ($p < 0,01$).

ОБШҚ зарарланган ҳолда ҚЯТ чалинган 133 нафар бемордан (21,8% / n = 29), Гриншпан-Потекаев синдромига чалинган 48 нафар бемордан (27,09% / n = 13) оғиз бўшлиғида турли хил ортопедик протезлар - олинадиган ва олинмайдиган кўприксимон металл конструкциялар, пластмасса, фарфор ва металл материаллардан фойдланган ҳолда ягона ва кўпсонли қопламалар, ёйсимон протезлар мавжуд эди.

Гриншпан-Потекаев синдромига чалинган 9 нафар беморда (60% / n = 15) тиш қаторлари текширилганда кариес тишлар, шиллиқ қаватни жароҳатловчи пломбалар кузатилди; 6 (28,57% / n = 21) нафарида - турли хил металллар; 13 (44,82% / n = 29) пломбалар четлари чиқиб қолгани; 5 да (50% / n = 10) - қопламалар четлари осилиб қолгани; 26 нафарида (72,22% / n = 36) - лунж ва тилни тишлаб олиш; 6 (35,29% / n = 17) нафарда тишларнинг ўткир қирралари ва синган жойлари қайд этилди (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал


Гриншпан-Потекаев синдромининг маҳаллий жароҳатли омиллари

Омиллар	ҚЯТ клиник шакллари						ОБШ Қ ҚЯТ билан касалланганларнинг умумий сони	Назорат гуруҳи	χ^2 Пирсона	P
	Тури n=72	Гиперкер. n=3	Экс-гипер. n=3	Буллезли n=7	Эр-ярали n=48	n=133				
Кариесли тишлар, пломбалар	abs	5	0	0	1	9	15	1	5,920	0,314
	%	33,33	0,00	0,00	6,67	60,00		5,00		
Турли хил	abs	13	1	0	1	6	21	0	5,836	0,323

металлар	%	61,90	4,76	0,00	4,76	28,57		0,00		
Тиш протезлари	abs	11	2	1	2	13	29	0	12,647	0,027
	%	37,93	6,90	3,45	6,90	44,83		0,00		
Қопламаларнинг осилиб қолган қирралари	abs	4	0	1	0	5	10	1	5,029	0,412
	%	40,00	0,00	10,00	0,00	50,00		5,00		
Лунжни, тилни тишлаш	abs	8	0	1	1	26	36	3	31,366	0,000
	%	22,22	0,00	2,78	2,78	72,22		15,00		
Тишларнинг ўткир қирралари ва синик жойлари	abs	9	0	0	2	6	17	4	3,075	0,688
	%	52,94	0,00	0,00	11,76	35,29		20,00		

Оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг Гриншпан-Потекаев синдромининг зўрайиш хавфи омилларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, беморлар об-ҳавонинг кескин ўзгаришини зўрайишнинг асосий сабабларидан бири деб ҳисоблайдилар (22,9% / n = 11).

Оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг Гриншпан-Потекаев синдромини зўрайишини келтириб чиқарадиган омиллар деб беморлар таркибида зираворлар, кўп миқдорда туз (хусусан, хурмо, қулупнай, pista, помидор, тузланган сабзавотлар) бўлган таомлар истеъмол қилишни (20,83% / n = 10); гигиена воситаларининг ўзгартиришни кўрсатишади (14,5% / n = 7). Беморларнинг аксарияти (66,66% / n = 32) таркибида ментол бўлган тиш пасталари эрозив-яралли зарарланишларга қўзғатувчи таъсир кўрсатади деб ҳисоблашади. Кўпинча протезлаш босқичлари, айниқса қолиплаган қопламалар (8,33% / n = 4) зўрайишга сабаб бўлади.



1-расм. Гриншпан-Потекаев синдромининг зўрайиш сабабларини таҳлил қилиш

1 қўзғатувчи таом истеъмол қилиш -10

2	неврозлар, стресслар об-хавонинг ўзгариши	-31
3	-11 гигиена воситаларини ўзгартириш	
4	-7	
5	протезлаш пайтидаги жароҳатлар	4

Лунжларнинг шиллик қаватидаги зарарланиш ўчоқлари майдони ўртача 15,2 мм², тилнинг ён юзалари шиллик қаватида - 8,4 мм², ретромолляр соҳасидаги шиллик қаватида - 5,6 мм², қаттиқ танглай шиллик қаватида - 11,2 мм² ва алвеолляр ўсимта шиллик қаватида - 14,6 мм² (4-жадвалга қаранг). Гриншпан-Потекаев синдромига чалинган ҳар иккала гуруҳдаги (асосий ва таққослаш) 48 нафар беморнинг барчасида ўтказилган аутофлуоресцент стоматоскопияси ҚЯТ нинг эрозив-яралли шакли соғлом оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг ёрқин яшил флуоресценцияси фонида четлари нотекис бўлган қорамтир доғлар кўринишида намоён бўлишини кўрсатади.


4-жадвал

Гриншпан-Потекаев синдромига чалинган беморларда эрозив-яралли жароҳатланиш ўчоғининг майдони

Зарарланиш ўчоғи	Зарарланиш ўчоғининг ўртача майдони (мм ²)
Лунжнинг шиллик қавати	15,20±0,39
Тилнинг ён юзалари шиллик қавати	8,40±0,41
Ретромолляр соҳасининг шиллик қавати	5,60±0,21
Қаттиқ танглайнинг шиллик қавати	11,20±0,29
Алвеолляр ўсимтаниннг шиллик қавати	14,60±0,42

Таққослаш гуруҳидаги фақат бир нафар беморда (4,16%) малигнизацияга шубҳа қайд этилди, мазкур ҳолатда зарарланиш ўчоғи яшил флуоресценция фонида қорамтир доғ (“қорамтир доғ эффекти”) сифатида намоён бўлди. Спектрнинг яшил соҳасидаги порлаш камайиши билан бир қаторда, қорамтир ўчоқда манбаи эндоген порфиринлар бўлган қизил порлаш кўзга ташланди. Охиргиси бактериал микрофлора ҳаётининг фаолиятининг маҳсули ҳисобланади, чунки флуоресценциянинг мавжудлиги оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг сурункали яллиғланиш жараёни билан боғлиқ.


Микробиологик тадқиқотлар ҚЯТ нинг эрозив-яралли шакллари бўлган беморларда ОБШҚ зарарланган ўчоқларидан ажратиб олинган оғиз бўшлиғи микрофлорасининг таркибини кўрсатди. Тадқиқотлар *Microcococcus* - *Stafilococcus spp*, оиласидан бўлган патоген микроорганизмларнинг юқори даражада ўсишини кўрсатди - 78% ҳолларда (48 нафар бемордан 35 нафарида), *Ye. Coli* 58% (28 нафар беморда) ва *Candida spp* 83% ҳолларда (39 нафар беморда). Уруғлар сони ўртача 762,9 + 15,3 СФУ.



2-расм. Эрозия ва яра учоғидан микрофлора кўрсаткичлари.

Ўтказилган микробиологик тадқиқотлар натижалари каттик танглай бутун эпителиал қатлами ($64,4 \pm 6,1\%$), алвеоляр милклар ($78,6 \pm 8,4\%$), тилнинг дорсал ($85,7 \pm 9,4\%$) юзасидан олинган суртмалар юқори кератинланиш кўрсаткичини аниқлади; кўрсатилган биотипларда гиперкератоз ўчоқлари локализация қилинганда кератинланиш кўрсаткичлари сезиларли даражада ошди ва 91-93% қийматларига етган ҳолда амалда “тенглашди”; шу билан бирга, эксфолиация жараёнининг хусусиятларини ақс эттирувчи оралик эпителийнинг фақат бир нечта хужайралари аниқланди. Ўрганилаётган юзаларда эрозив ўчоқларни кенгайишига йўл қўймаганда бошқача натижаларга эришилди - кератинланиш кўрсаткичи кескин 34-44% гача тушиб кетди ($p < 0,01$), суртмада оралик эпителий хужайралари (кўриш майдонида 100 тадан 23 та хужайрагача), шунингдек қоннинг шаклий элементлари пайдо бўлди.

Патоморфологик жиҳатдан ҚЯТ нинг экссудатив-гиперемик шаклида паракератоз, акантоз, экзоцитозлар, эпителий остидаги экссудат билан тўлдирилган бўшлиқлар - базал мембрананинг емирилиши қайд этилди. Хужайра инфилтрати эпителий ажраладиган соҳада анча яққолроқ намоён бўлади; стромада шиш бор, эластик толалар йўқ, коллаген толалари сийрак; кўп микдордаги лимфоцитлар билан диффузли инфилтрат қуюқ.



3-расм. Юзаки ясси эпителийнинг гиперкератози фонидаги цитологик суртмада дискариозли хужайралар гуруҳлари ва Гриншпан-Потекаев синдромига хос бўлган лимфолейкоцитар хужайраларидан кўплаб инфилтратлар қайд этилади.

Синдромга чалинган барча 48 нафар беморни умумий даволашда 1 ва 2 гуруҳ беморлари учун комплекс терапия сифатида таклиф қилинган даволаш схемаси қўлланилган. Маҳаллий даволаш: оғиз бўшлиғининг санацияси, оғиз бўшлиғи гигиенаси, кариес ва унинг асоратларини даволаш, тишларнинг ўткир қирраларини ўзаро силлиқлаш, сунъий қоламалар нуқсонларини бартараф этиш, пародонт касалликларини даволаш. Умумий даволаш билан бир қаторда, 1 ва 2 гуруҳдаги барча беморларга Lazmik-VLOK аппарати билан бош лазерли нурлантирувчи каллак ёрдамида қонни вена ичида лазерли нурлантириш амалга оширилди.

Диссертациянинг **“Оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг зарарланиши билан Гриншпан-Потекаев синдромига чалинган беморларни даволашнинг клиник-лаборатория хусусиятлари”** деб номланган тўртинчи бобида Гриншпан-Потекаев синдромини даволаш натижалари ва самарадорлигини баҳолаш тавсифланган.

Гриншпан-Потекаев синдромига чалинган барча беморларга (асосий гуруҳ ва таққослаш гуруҳи) қонни лазерли нурлантиришдан иборат умумий патогенетик даволаш муолажалари ўтказилди, бу Lazmik-VLOK аппаратида бош лазерли нурлантириш каллаги ёрдамида қонга фотобиологик таъсир кўрсатишнинг ноёб усули ҳисобланади. Бунинг учун 1 ва 2 гуруҳдаги беморлар қуйидаги тарзда томир ичига лазерли нурланишни олишди: тирсак чуқурчасидан 2-3 см ортга чекиниб, Lazmik-VLOK дан 35 мВт қувватга эга матрицали лазерли нурлантирувчи каллак маҳкамланади, муолажа давомийлиги 5-20 дақиқа. Курс давомийлиги 5 - 15 сеансдан иборат.



4-расм “Lazmik-VLOK” аппарати ёрдамида қонни лазерли нурлантириш

5-жадвал.

Гигиеник индекснинг эрозив-яралли жароҳатларнинг диаметри, кузатув муддатлари бўйича зарарланиш майдонининг ўзгариши динамикаси. Даволаш муддатлари

	ОНИ-S		Эрозия диаметри (см)		Зарарланиш майдони (мм ²)	
	Асосий гуруҳ	Таққослаш гуруҳи	Асосий гуруҳ	Таққослаш гуруҳи	Асосий гуруҳ	Таққослаш гуруҳи
дастлабки	2,25± 0,10	2,28± 0,10	1,40± 0,06	1,40± 0,02	15,20± 0,47	15,20± 0,38
